XALQ DEPUTATLARI PAXTAOBOD TUMANI KENGASHINING QARORI

2023 - yil 16 - may VI-42-54-1-25-K/23 Paxtaobod tumani hokimligi

Пахтаобод туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган маблағларни йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 27-,126-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 24–моддаларига асосан халқ депутатлари Пахтаобод туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Пахтаобод тумани ҳокимлиги молия бўлимининг 2023 йил 25 апрелдаги 01/01-32/15-сонли хати ҳамда Пахтаобод туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган қўшимча маблағлар 496 618 минг сўмни ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман иқтисодиёт ва молия бўлимининг “2023 йил 1-чорак якуни билан шаклланган қўшимча маблағларни мақсадли ва манзилли сарфланиши бўйича” таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан иловага мувофиқ маблағлар ажратилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Расулов туман молия бўлими (Ж.Фахриддинов) ва ғазначилик бўлинмаси (Н.Мадаминов) билан биргаликда ушбу қарор иловасига мувофиқ ажратилган маблағларни белгиланган тартибда йўналтирилишини ҳамда молиялаштирилишини таъминласин.

5. Туман ҳокимлиги матбуот ҳизмати (С.Муталибов) мазкур қарорни матбуотда эълон қилсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Пахтаобод туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Б.Усмонов ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Расулов зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Латифжонов**

Xalq deputatlari Paxtaobod tuman
Kengashining
2023 yil 16 maydagi
VI-42-54-1-25-K/23-son qaroriga
1-ilova

Пахтаобод туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 1-чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан шаклланган маблағларни йўналтириш

ТАҚСИМОТИ

минг сўмда

№	Маблағ ажратилаётган ташкилот номи	Маблағ ажратиш мақсади	Ажратилаётган маблағ миқдори	Маблағ ажратиш учун асос
1	Туман ҳокимлиги	“Аёллар дафтари” жамғармасига	86 142.0	ПҚ-5020, 05.03.2020 й.
2	Туман ҳокимлиги	“Ёшлар дафтари” жамғармасига	86 142.0	ПҚ-92, 19.01.2022 й.
3	Туман ҳокимлиги	“Темир дафтар” жамғармасига	86 142.0	ВМ 213-Ф, 22.04.2020 й.
4	Туман ҳокимлиги	"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"га	172 284.0	ПҚ-5072, 13.04.2021 й.
5	Туман ҳокимлиги	Халқпарвар ва матбуот хизмати ходимларининг иш хаки	11 396.0	Халқ депутатлари Пахтаобод туман кенгашининг 25.03.2021й кунги № 77/16-6 сонли карорига асосан
6	Туман ҳокимлиги	Жамоатчилик билан ишлаш бўйича хоким маслаҳатчилари иш хакиси (референдум)	32 734.0	Андижон вилоят хокимининг тақсимоти
7	Халқ депутатлари Пахтаобод туман Кенгаши котибияти	Халқ депутатлари Пахтаобод туман Кенгаши котибияти ходималари рағбатлантиришга иш хақи ва иш хақига ажратма учун	21 778	Халқ депутатлари Пахтаобод туман кенгашининг 27.07.2021й кунги № 119/19-6 сонли карорига асосан
	ЖАМИ	**Ххх**	**496 618.0**	**ххх**